Ушбу сонда:
2 МАТБУОТ СЎЗИНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 22 июн, шанба №100 (1317)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Қ.С.Назаровни Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Қобилжон Саматович Назаров Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 21 июн

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 июн куни Оксаройда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Эрик Де Врайерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама этиш учун қулай имконият туғилганини таъкидлади.

Ўтган йил охирида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳужжат доирасида жорий йилнинг 1 июлига қадар амалга оширилиши керак бўлган тадбирларни ўз ичига олувчи мониторинг дастури ишлаб чиқилди. Таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон мазкур дастурдаги барча пунктларни адо этди.

Меҳмон мамлакатимизда мониторинг дастури ижроси якунлари билан танишиб чиққанини, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон амалга оширган ишлардан мамнунлигини таъкидлади ва самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, жамғарманинг мамлакатимизга хорижий сармоя жалб этишдаги иштирокини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Туман ҳокимлиги ва касаба уюшма ҳамкорлиги

ХИРМОН БАРАКАСИ

Олтиарикликларга хос бўлган бир умумий хислат бор: улар қайси соҳада меҳнат қилишмасин, доимо ғолибликка интилишади. Ва табиийки, шунга яраша белни маҳкам боғлаб меҳнат қиладилар. Шу боис кўпинча ўз мақсадларига етишишади. Бу фикримизга туман ғаллакорлари кейинги йилларда эришаётган натижалари ҳам мисол бўла олади. Икки йилдан бери давлатга дон топшириш шартнома режасини Фарғона вилоятида биринчи бўлиб бажараётган туман ғаллакорлари бу йил ҳам зафар чўққисини нафақат вилоятда, балки Фарғона водийсида биринчилардан бўлиб забт этишди.

— Бошоқли дон экин майдонларимиз 1420 гектарга кўпайганига қарамай ўртача ҳосилдорлик ўтган йилларга нисбатан юқори бўлди, - дейди Олий Мажлис депутати, туман ҳокими Номонжон Омонов. - Ғаллакорларимизнинг бу улкан ютуғи негизида меҳнаткашларда ерга эгалик туйғусини уйғота олганимиз, уларнинг моддий манфаатдорлигини оширганимиз ётибди.

8280 гектар экин майдонларига «Половчанка», «Уманка», «Кеняжна», «Делта», «Чиллаки» навли серҳосил буғдой уруғлари сепишган туман ғаллакорлари ўрим-йиғимни Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йилда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида ташкил этгани боис, 16 иш кунида давлатга дон топшириш режасини ошиғи билан уддалашди. Давлат омборларига режадаги 23 минг 248 тонна ўрнига 24 минг 500 тонна сара дон етказиб берилди. Режа 105,4 фоизга бажарилди.

Туман ғаллакорларининг бу катта хирмонига Ғуломжон Сиддиқов раҳбарлик қилаётган «Повулғон», Абдуллажон Асқаров бошчилигидаги «Янгиобод» ширкат хўжалиги аъзолари ўзларининг салмоқли улушларини қўшишди. Бу илғор хўжаликларда буғдой ҳосилдорлиги ҳар гектар ҳисобига 47-48 центнерданни ташкил этди. Давлатга дон топшириш режасини 106 фоиздан оширган ушбу ширкат хўжаликлари ихтиёрида ўз аъзоларига мукофот тариқасида бериш учун 600-700 тоннадан дон қолмоқда. Бу ҳол олтиарикликларнинг моддий манфаатдорликлари юқори бўлишини таъминлаши шубҳасиз.

Туманда меҳнатни ташкил этишнинг замонавий ва самарали усуллари қўлланилаётганлиги ҳам ютуқларга замин яратмоқда. Айни кунда етиштирилган ғалланинг 13 фоизи фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келмоқда. Илғор фермер хўжаликлари ҳосилдорликни 55-60 центнерга етказиб, бошқаларга ибрат бўлишди. Ғалла майдонларининг 90 фоизи, яъни 7650 гектари 790 та оила пудратчиларига шартнома асосида бўлиб берилган. Бунинг натижасида ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Оилавий пудратчиларнинг ҳар бири ҳисоб-китобни чек усулида олиб бораётгани боис, ҳеч қандай исрофгарчиликка йўл қўйилмаяпти. Бу ҳол ўз-ўзидан ғаллакорларнинг моддий манфаатдорлиги юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун. Бу йил «Янгиобод» ширкат хўжалигида 7 гектар ерга буғдой эккан Улуғбек Алиев бошчилигидаги оила пудратчилари режадаги 37,8 тонна ўрнига 41,2 тонна, Шарифжон Дадақўзиев оила пудрати эса 5 гектар буғдойзордан 54 ўрнига 60 центнердан, «Повулғон» ширкат хўжалигида деҳқончилик қилган Толибжон Ҳасанов етакчилигидаги оилавий пудрат аъзолари 14 гектар майдондан 64 центнердан дон йиғиб олишди.

Туман ғаллакорлари катта хирмонининг бунёд бўлишида «Нуробод» ва «Олтиариқ» машина-трактор парки жамоалари ҳам фаол иштирок этишди. Айни кунларда ғаллазорларда 11 та «КЕЙС», 1 та «КЛАСС» ва 27 та бошқа русумдаги комбайнлар ишлаяпти. Комбайнчиларнинг ўзаро мусобақасида «КЕЙС» жиловкорлари Аҳмадали Усмонов ва Раҳмонжон Мадалиев ғолиблик қилишмоқда. Улар шу кунгача 415-420 гектардаги ҳосилни ўз агрегатлари ёрдамида ўриб олишди.

Туман ҳокимияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ғалла ўрими илғорларини телевизор, гилам ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаб борилаётганлиги ҳам иш унумдорлигига ижобий таъсир қилмоқда. Туманда қолган майдонлардаги ғаллани ҳам тез фурсатда йиғиб олиш учун ўрим-йиғим ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Мўйдинжон СОБИТОВ.

Избоскан туманидаги 12-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Нодира Ҳожибекова ЮНЕСКО ташаббуси билан жанубий-шарқий Осиё давлатлари мактабларининг чет тиллари ўқитувчилари учун Филиппинда ташкил этилган малака ошириш курсларида таълим олиб қайтди.

НОДИРА ФИЛИППИНДАН ҚАЙТДИ

-Дарслар жуда ҳам қизиқарли ўтди,-деди Нодира Ҳожибекова "Туркистон-пресс" мухбирига.-Турли мавзулардаги мунозаралар, компютер, Интернет тармоғи, кичик телемарказдан фойдаланган ҳолда ўтказилган амалий машғулотлар, шунингдек, уларда ёшларнинг иштироки бизларни ўзига жалб қилди. Биз у ерда ҳамкасбларимизнинг ишлари билан танишдик, ўзаро тажриба алмашдик. Жаҳоннинг илғор тажрибаларини қишлоқ мактаблари ўқув жараёнида ҳаётга татбиқ этиш орқали таълим тизимида ютуқларга эришамиз, деб ўйлайман.

Мактабимиз 1996 йилда ЮНЕСКО тасарруфига ўтган. Ўтган йили мактабда чет тиллари тўгараклари, компютерни ўрганиш, таълимда техник воситалардан ва янги технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олган таълим-тарбия жамоатчилик маркази ташкил этилганди,-деди пировардида Н. Ҳожибекова.

«ОҚ ОЛТИН» ШИФОХОНАСИ

Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигининг «Оқ олтин» қишлоғида 50 ўринли янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни Навоий шаҳридаги «Самарбек» хусусий фирмаси бунёд этди. Шифохонада диагностика, физиотерапия, стоматология, акушер-гинекология, эмлаш хоналари мавжуд.

Туманда замонавий услубда қурилган қишлоқ врачлик пунктлари сони ўнтадан ортиб кетди. Мустақиллик байрамигача эса яна 2 та шундай шифо маскани фойдаланишга топширилади.

* * *

Конимех туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги, асосан, туячилик ва йилқичилик билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда хўжаликда 1 минг 100 бош туя, 566 та йилқи, 6 минг 700 бош қўй-эчки парваришланмоқда. Бу йил туялардан 200 бош бўта олинди.

Хўжалик аъзолари ҳар куни 150-200 литр шубат - туя сутини Қизилқум фосфорит комбинати ишчиларига, Зарафшон шаҳри олтинтопарларига етказиб бермоқда. Шифобахш сут ишчиларга манзур бўлаётир. Туябоқарлар хўжаликнинг касалхона ва болалар боғчаларини ҳам сут билан таъминламоқда.

(ЎзА).

ТАЛАБАЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТИШДИ

Ёш авлодни билимли, касб-ҳунар соҳиби қилиб тарбиялаш давримизнинг энг муҳим талабидир. Бу борада Президентимиз, ҳукуматимиз раҳбарлигида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили Вазирлар Маҳкамаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштиришга оид қарор қабул қилганлиги бу ишларни янги босқичга кўтарди. Мазкур қарорни бажариш бўйича Самарканд вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродилла Холмуҳамедов билан суҳбатимиз ана шу хусусда бўлди.

Қарор ва ижро

— Кейинги бир йил ичида касб-ҳунар таълими тизимида бажарилган ишлар натижасидан қониқиш ҳосил қиласизми?

— Энг аввало касб-ҳунар таълими муассасаларининг моддий негизи мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамланди. Ўнлаб коллежларимиз янги, замонавий биноларга эга бўлди. Ҳозир вилоятимизда фаолият кўрсатаётган иккита академик лицей, 25 та касб-ҳунар коллежи, 14 та ўрта махсус, 32 та касб-ҳунар билим юртлари, 6 та лицей, лицей-интернат ва гимназияларда 46 мингдан зиёд ёшлар таълим олмоқда. Улар умумтаълим фанларига оид билимларни чуқур ўзлаштириш билан бирга 200 га яқин мутахассислик бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганишаяпти. Асосий жиҳатлардан бири жамиятда касб-ҳунар таълимига муносабат тубдан ўзгарди. Сир эмаски, илгари бу соҳага эътибор энг охирги ўринлардан бирида турарди. Ўрта мактабларнинг энг ношуд ўқувчилари касб-ҳунар билим юртларига бадарға қилинарди. Таълим ҳам шунга яраша эди. Эндиликда эса касб-ҳунар коллежлари ва билим юртларига ўқувчилар танлов асосида қабул қилинмоқда. Бу таълим муассасаларида малакали ўқитувчилар, хусусан фан доктори ва номзодлари, олий тоифали ўқитувчилар ишламоқда.

Тизимни ислоҳ қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштиришга оид қарорини бажариш борасида эришилган яна бир муҳим натижага тўхталмаслик мумкин эмас. Ўтган давр мобайнида барча таълим муассасалари компьютерлар, замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналари, техника воситалари билан таъминланди. Бошқармамизнинг Инновация ва илғор педагогик технологиялар бўлими қошидаги компьютер синфи интернет ва модем тармоғига уланди. Шу орқали дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги илғор педагогик тажрибаларни ва янгиликларни жамлаш, ўзимизнинг таълим муассасаларига етказиш имконияти пайдо бўлди. Мазкур бўлимда ҳозир илғор педагогик технологиялар асосида ўтказилаётган амалий ва назарий машғулотлар видеотемаси, энг сўнгги энциклопедик машғулотлар жамланган компакт дисклар тўплами мавжуд. Таълим тизими тарихида бунақаси бўлмаган.

— Асосий вазифалардан бири деб қаралган таълим сифатини кўтаришга эришилдими?

(Давоми 2-бетда)

«Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятида қурилиш материалларининг ноёб турларини ишлаб чиқаришга киришилгани харидорлар сонини кўпайтирмоқда. Цементнинг сульфатга чидамли, тампонаж турлари шулар жумласидан. Корхона жамоаси «Ўш-Андижон-Тошкент-Нукус» автомобиль йўли қурилиши учун ана шундай цемент етказиб бериш бўйича катта миқдордаги буюртмани бажаришга киришди. Цементнинг мазкур туридан мамлакатимиздаги нефть ва газ конларини ўзлаштиришда ҳам фойдаланилмоқда.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Шунингдек, бу ерда шифер, рангли шифер ҳамда асбоқувур ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Том ёпишда ишлатиладиган сопол черепица ҳам ўта харидоргир. Шу боис испаниялик ҳамкор билан биргаликда сопол черепица ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона барпо этилмоқда.

(ЎзА).

Халқаро лойиҳалар амалда

ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ

ижтимоий турмуш даражаси яхшиланмоқда

Орол дарди — олам дарди. Дунёдаги энг йирик кўллардан бири бўлган сув ҳавзасига оби ҳаёт бормай қолганлиги вазиятни чигаллаштирди. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда денгизнинг қуриган қисмидан йилига 75 миллион тоннагача чанг-тўзон кўтарилаётган экан. Экологик вазият мураккаблашган сайин табиатни муҳофазалаш, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит тозалигини таъминлаш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Республика ҳукумати томонидан денгизнинг қуриши билан боғлиқ экологик тангликни юмшатиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилашга халқаро ташкилотлар ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Оролбўйи минтақасига Халқаро тикланиш ва тараққиёт, Осиё тараққиёт банклари, хорижий давлатларнинг кредитлари, грантлар ва донорлик ёрдамлари ҳисобидан 25 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Натижада 2900 та қудуқ ишга туширилиб, 200 дан зиёд қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Сибирдаги Об ва Иртиш дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиёга оқизиш ишларига киришилаётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир. Яқинда пойтахтимиздаги «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида ўтказилган «Орол ва Оролбўйи муаммолари — халқаро ҳамкорликка эҳтиёж» мавзуидаги анжуманда қатнашган москвалик олимлар, республикамизнинг етук мутахассислари янги лойиҳа Россия учун ҳам Марказий Осиё республикалари учун ҳам манфаатли эканлигини илмий жиҳатдан асослаб бердилар.

1992 йилда ер муаммолари бўйича Рио-де Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган халқаро форумда «XXI аср кун тартиби» лойиҳаси қабул қилинган эди. Мазкур масалалар бўйича Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган «Барқарор ривожланиш самарадорлигини ошириш» лойиҳасида Чимбой ва Нукус туманлари асосий объект сифатида белгиланган эди.

Нукусдан 46 километр масофада жойлашган Чимбой тумани аҳолиси уч йилдан бери сувсизликнинг оғир оқибатларини бошдан кечирмоқда. Оби ҳаёт етишмаслиги туфайли ўтган йили 1182 тонна пахта, 784 тонна бошоқли дон, 53 тонна картошка, 107 тонна мева, 403 тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди, холос.

Қишлоқ хўжалигидан кўрилган зарар 2 миллиард сўмдан ошиб кетди. Туман аҳолисидан 7 мингтасини иш билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлди. Ишсизликни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган «Бандлик» дастурига асосан бу йил 1300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилди. Акционерлик тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 384 миллион 893 минг сўм узоқ ва қисқа муддатли кредитлар берилди. Халқаро Оролни қутқазиш Ижроия Қўмитаси Нукус филиали Чимбой туман агентлиги 5 та фермер хўжалигига 8 миллион 160 минг, 13 нафар якка тадбиркор ва кичик корхоналарга 9 миллион сўмлик грант ажратди. 786 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Жорий йилнинг май ойида Осиё тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган йиллик мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сув таъминоти тизимини такомиллаштириш лойиҳаси бўйича 38 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит шартномаси имзоланди. Лойиҳанинг асосий мақсади икки йил давомида сув тақчиллигидан зарар кўрган қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароити ва соғлиғини янада мустаҳкамлашдан иборат. Унга кўра, минтақада умумий узунлиги 150 километрли магистрал сув тармоқлари барпо этилади, 40 дан зиёд сув тақсимлаш тармоғи, сув чиқариш қудуғи ва бир неча юз километрдан ортиқ сув узатиш шаҳобчалари қурилади ва таъмирланади. Оби ҳаётни чучуклаштирувчи ускуналар, сув ҳисоблаш асбоблари ўрнатилади. Лойиҳанинг амалга оширилиши қўшимча равишда 700 мингдан ортиқ аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАЛАБАЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТИШДИ

(Боши 1-бетда).

— Фикримча, ҳар қандай юксалиш унинг пойдеворини мустаҳкамлашдан бошланади. Таълим сифатини яхшилаш нуқтаи назаридан малакали, иқтидорли, фидойи ўқитувчиларни танлай билиш, улар фаолиятини ташкил этиш ва аниқ мақсадга йўналтириш жуда муҳим. Биз ана шунга эриша олдик, деб ўйлайман. Бунинг учун Самарқанддаги барча олий ўқув юртлари билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу алоқаларнинг мустаҳкамлигини, изчиллигини таъминлаш мақсадида СамДУ ректори, профессор Р.Холмуродов раҳбарлигида мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Мазкур кенгаш қарори асосида олий ўқув юртларининг етакчи олимлари лицей ва коллежларга илмий маслаҳатчи қилиб тайинланди. Лицей ва коллежларда олий ўқув юртлари кафедрасининг филиаллари очилди.

Ҳозирги тараққиёт суръатини, ахборот ва янгиликлар кўламини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда бир марта махсус курсларда малака ошириш бугунги ўқитувчига камлик қилади. Шунинг учун доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил қилинди. Шунга асосан ҳар бир ўқитувчига йил мобайнида янги, илғор педагогик технологиялар, таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг замонавий усуллари, илғор тажрибалар ва бошқа янгиликлар етказиб берилади. Ўқитувчиларимизни ўзгаришлар силсиласи доирасида ва янгиликлар даражасида ушлаб туриш мақсадида барча таълим муассасаларида ҳафтада бир марта педагогик ўқишлар ўтказилади. Уларга бу борада ёрдам тариқасида бошқарманинг инновация ва илғор педагогик технологиялар бўлимида ҳозирги таълим тизимига доир янги адабиётлар, ахборотлар кўргазмаси, ижодкор ўқитувчиларимизнинг ибратли ўқув-услубий ишлари бурчаги ташкил этилган. 32 нафар ўқитувчи АҚШ, Исроил, Англия, Канада, Корея, Данияда малака ошириб келишди. Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти билан биргаликда доимий равишда семинарлар ўтказилмоқда.

Шу каби ишларнинг натижаси ўлароқ ўқувчиларимиздан 25 нафари вилоят фан олимпиадаларининг ғолиблари бўлди. Республика олимпиадасида СамДУ қошидаги академик лицей ўқувчиси И.Абдураҳмонов биринчи, М.Эргашев иккинчи ўринни эгаллашди. Тайлоқ олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ф.Маматов Самарқанд олимпия захиралари коллежи талабаси Ў.Қурбонов Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Ҳамма иш силлиқкина кетаяпти, десак нотўғри бўлади. Асосий муаммолар нималардан иборат?

— Очиғини айтганда, муаммолар, ечимини кутаётган масалалар кўп. Аммо биз қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, вилоят ҳокимлиги, ҳомийлар ёрдамида барча масалаларни ҳал қилиб бораяпмиз. Коллежларни жиҳозлаш, дарсликлар билан таъминлаш имкониятлари қидириб топилмоқда. Кези келганда фақат бир нарсани мулоҳаза тариқасида айтиш мумкин. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими анча юқори поғонага кўтарилди. Лекин айрим мактабларни битириб келаётган ёшлар ана шу талабга баъзан жавоб беришолмаяпти. Уларда компьютер саводхонлиги кам, интернет тармоғидан фойдаланишга, умуман таълимнинг янгича шаклларига кўникишмаган. Мана шу жиҳатдан улар ўқишнинг дастлабки босқичида бир қадар қийналиб қолишмоқда.

— Ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, раҳбариятнинг талабчанлиги, ўқитувчиларнинг жонкуярлиги туфайли коллежлар ўқувчиларига пухта билим берилаётганига шубҳа йўқ. Лекин улар ўқишни тугатганидан сўнг ўз иқтидорларини ишда, ишлаб чиқариш фаолиятини намоён этишлари учун қандай имкониятларга эга?

— Бу ниҳоятда муҳим масала эканлигини эътироф этиш керак. Қанчадан-қанча маблағ, моддий ресурслар ва меҳнат сарф қилиниб, талабага таълим берилар экан, бунинг самараси бўлиши зарур, албатта. Яъни давлат ва жамиятга наф келтириши муҳим аҳамиятга эга. Соддароқ қилиб айтганда, битирувчиларнинг иш топиши, ишга жойлашиши, ижтимоий фойдали меҳнатда банд бўлишини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Тўғри, битирувчиларни илгаригидек мажбурий тақсимот қилинмайди. Касб-ҳунар коллежлари ва билим юртлари ўз битирувчиларини тавсия этиш имкониятларига эга. Биз ана шу йўналишда иш олиб бораяпмиз. Яқинда Самарқанд енгил саноат коллежида «Битирувчилар ярмаркаси—2002» ўтказилди. Бу тадбирга вилоятдаги бандлик хизмати идоралари, корхоналар, фирмалар, қўшма корхоналар вакиллари тадбиркорлар таклиф этилди. Уларнинг ҳузурида мазкур коллежнинг битирувчи талабалари ўз билимлари ва касб амалиёти бўйича маҳорат ва кўникмаларини намойиш этишди. Сўнгра талабалар ва меҳнаткашлар (корхоналар вакиллари)нинг ўзаро давра суҳбати бўлди. Тадбир натижаси дарҳол кўзга ташланди: «ЎзБАТ» қўшма корхонаси 4, вилоят ва шаҳар газ таъминот бирлашмаси 4, бизнес маркази 4, «Алегро» фирмаси 1 нафар талабани шу ернинг ўзидаёқ ишга таклиф этишларини маълум қилишди. Илк бор ўтказилган бу тадбир жуда катта сабоқ бўлди. Янги имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Бу борадаги ишларни такомиллаштириш тақозо этилади.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



Галла ризқ-рўзимиз, дастурхон кўрки. Охунбобоев тумани меҳнаткашлари давлатга дон сотиш режасини бажариб, шу кунларда яна 1000 тонна сара дон топшириш мажбуриятини олишди. Айни пайтда ўрим-йиғим қизғин бормоқда. Галлакорларга барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратларда: ҳосилот О.Ураимов ва пудратчи Д.Маматов; А.Ниёзов номли ширкат хўжалиги пудратчиси И.Эминов барака хирмонига қўшаётган ҳиссасидан мамнун.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.



Газетамизнинг шу йил 28 май сонида Ўзбекистон телевидениеси ва «Ишонч» газетасининг қўшма рейди асосида тайёрланган юқоридаги сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Чирчиқ «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли мавсумга тайёргарлик суст кетаётган «Кимёгар» ҳамда «Қишлоққурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Сойлиқ» болалар соғломлаштириш оромгоҳларидаги камчиликлар танқид остига олинган эди. Ижодий гурух мавсумнинг қандай ўтаётганлиги билан танишар экан, рейд натижаларини билиш мақсадида ушбу оромгоҳларда ҳам бўлди.

Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ:

КАТТАЛАР БОЛАЖОНЛАР ОЛДИДА УЯЛИБ ҚОЛИШМАСИН

«Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи биринчи навбатда дам олувчи 360 нафар ўғил-қизни қабул қилган. Хўжалик раҳбарларининг танқиддан тегишли хулоса чиқариб, камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга эришганлари ижодий гуруҳимизни қувонтирди. Оромгоҳ ҳудуди озода, саранжом-сариштa. Болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Ётоқхоналар шинам жиҳозланган. Каравотларда оппоқ кўрпа тўшак жилдлари.

«Маънавият ва маърифат» хонасида болажонларнинг дунёқарашларини кенгайтирувчи маданий-маърифий тадбирлар, машғулотлар ташкил этилмоқда. Шохмот, шашка, футбол, моҳир қўллар, ҳунармандчилик, мусиқа, бадиий адабиёт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

Оромгоҳ ошхонасида ҳам орасталикнинг гувоҳи бўлдик. Таомларнинг калорияси, дармондориларга бойлигидан болажонлар мамнун. Биз бу манзаралардан сўнг астойдил ҳаракат қилинса барча муаммоларнинг ечимини топиш мумкин эканлигига яна бир бора амин бўлдик.

«Сойлиқ»қа етиб борганимизда кўнглимиз янада кўтарилди. Чунки, ушбу оромгоҳдаги ижобий ўзгаришлар ҳам кираверишданоқ эътиборингизни тортади.

Оромгоҳ ҳудуди тез фурсатда ораста ҳолатга келтирилган. Рейд материалларида таъкидланган чала-ярим таъмирдан чиққан ётоқхоналар шинам гўшага айланган. Дам олиш маскани болажонларнинг шўхрини доимий назорат қилмоқдалар.

— Оромгоҳда жуда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилибди. Демак, излаган имкон топар экан-да?- мурожаат этдик оромгоҳ раҳбари Комилжон Маҳкамовга.

— Тўғри айтдингиз,- жавоб қилди у. — Мақола бизга катта ёрдам берди. «Қишлоққурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти, биз ҳам ундан тўғри хулоса чиқариб, тез фурсатда мавсумга тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказдик. Натижада болаларни ҳордиққа ўз муддатида қабул қилишга эришдик.

Ҳозир оромгоҳда 300 нафар ўғил-қиз, шу жумладан, 25 нафар хоразмлик болалар ҳордиқ чиқармоқдалар. Оромгоҳ санаторий турида бўлгани учун уларга биринчи ва иккинчи нонушта, тушлик, ярим кунлик, кечки овқат ва иккинчи кечки овқат берилади. Таъкидлаш лозимки, оромгоҳ тиббиёт хонаси керакли дори-дармон билан таъминланди.

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш жуда савобли иш. Атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзода қуйидаги сатрларни битган эдилар:

Фарзандларим, билингиз шуни,
Сиз дунёнинг эртанги куни.

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,
Ўзбекистон телевидениеси «Болалар» студиясининг катта муҳаррири.
Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби.

ТАДБИРКОР СПОРТ КЛУБИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Андижон туманининг Бакиров номидаги ширкат хўжалиги "Экин-тикин" маҳалласи ўсмирлари эндиликда "Абубакир" каратэ клубида спорт билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Тадбиркор Ҳабибулло Мақсумов спортнинг ашаддий ишқибозларидан бири бўлиб, икки йил аввал маҳаллада мактаб қуриб, ўқувчилар ихтиёрига топширган эди. Яқинда эса янги спорт клуби тузиш ташаббуси билан чиқди ва бу муассасанинг асосий ҳомийси ҳам унинг ўзи бўлди.

Янги клубда Абдувоҳид Умаров мураббийлигида машғулотлар ўтказила бошланди. Ҳозир маҳалланинг юздан ошиқ ўсмирлари клубда каратэ билан мунтазам шуғулланишмоқда.

«ДИЛКУШОД» ИНЪОМЛАРИ

Қўҳна "Дилкушод" Жанубий Тян-Шан тоғ тизмалари бағрида жойлашган сўлим қишлоқлардан биридир.

Қишлоқ турли гиёҳлар, боғлар, узумзорлар, ёввойи ҳолда ўсувчи буталар билан ўралган. Қишлоқда ва унинг атрофида доривор ва ноёб гиёҳлар, буталар кўплаб топилади. Шунинг учун ҳам бу ерда қишлоқ аҳолиси ва вилоят ёш ўлкашуносларининг ташаббуси билан ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш, унинг табиий бойликларини асраш бўйича тўгарак ташкил этилганди. Тўгарак аъзолари тоғ ва адирларга саёҳатлар ташкил этишади, ноёб гиёҳларни ва ҳайвонот дунёсини ўрганишади. Улар доривор гиёҳлар ва буталар плантациялари, шунингдек, жонли бурчаклар ташкил этиш ниятидалар.

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Андижондаги 2-мактаб-гимназия битирувчилари ўзлари таълим олган синф хонасини жорий таъмирлаб бериш ташаббуси билан чиқишди.

Битирувчиларнинг ушбу хайрли ташаббусини қўллаб-қувватловчи ҳомийлар ҳам топилди. Улар битирувчиларга иқтисодий кўмак бериш мажбуриятини зиммаларига олишди.

Гимназия битирувчиларининг ташаббусига вилоятдаги бошқа мактаблар битирувчилари ҳам қўшилишмоқда.

«Туркистон-пресс»

Вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлим бошлиғи Тоҳиржон Ҳолмирзаев билан иш берувчининг масъулияти, ойлик маошнинг вақтида берилиши билан боғлиқ тадбирлар қандай амалга оширилаётганлиги хусусида узоқ фикрлашдик. Маълум бўлишича ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётган экан.

Долзарб мавзу

МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИК

муаммоси Андижон вилоятида қандай ҳал этилмоқда?

ЎзКУФКнинг ҳаракат дастурида ходимнинг иш ҳақини вақтида олиш ҳуқуқини таъминлаш, маошни кечиктириб тўлашни тугатиш, бу борада жойлардаги касаба уюшмаларининг жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш ғоятда муҳимлиги кўрсатиб ўтилган. Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори эълон қилингач, Раёсат йиғилиши чақирилди. Уларга молия ходимлари ҳам таклиф этилдилар. Анжуманда дебитор қарзлари кўпайишининг олдини олиш, тармоқ ходимлари ташкилотчилиги, ташаббускорлигини ошириш масалалари хусусида қизғин гап борди.

Тадбирларнинг таъсирчан кучи туфайли касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашдаги фаоллиги селизарли даражада жонланди. Жумладан, Маъмуржон Ваҳобов раислик қилаётган «Тож-металл» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси иш ҳақидан қарздорликни тугатиш юзасидан яхши ишларни амалга оширяпти. Бу масала қўмита йиғилишларида мунтазам муҳокама қилиб борилади. Лозим бўлганида молиячилар билан жамоа ўртасида савол-жавоблар уюштирилади. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг вилоят «Ҳамкорбанк» раҳбариятига иш ҳақидан қарздорликни қоплаш юзасидан икки томонлама манфаатли ҳамкорликка оид таклифи яхши натижа берди. Банк томонидан қисқа муддатли кредит ажратилди. Бунинг натижасида «Тож-металл» корхонаси 260 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, кўзланган мақсадга эришди, айланма маблағ юзага келди. Демак, энди долзарб масалаларни бирин-кетин ҳал этиш имконияти яратилади.

«Элекротехника» ҳиссадорлик жамиятида иш орқага кетганди. Корхона ўз ишчиларидан қарийб 5 миллион сўм қарздор эди. Касабақўм раиси ўзаро ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйиш, қарздорликни қоплаш ҳақида маъмуриятга оғоҳлантириш хати билан мурожаат этди. Адолатли талаб қабул қилинди. Мақсадга эришиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Қисқа муддатда дебитор қарзлари ундирилиб, омборхоналардаги маҳсулотлар бозорга чиқарилди. Шундан сўнг ишчилар маошни вақтида ола бошладилир.

Умуман вилоятда тармоқ корхоналари ўртасида иш ҳақи-ю, бошқа тўловлардан қарздорлик тугатилмоқда. Бир мисол, 2001 йилнинг январ ҳолатига муддатида тўланмаган иш ҳақи 48,6 миллион сўмга етган бўлса, жорий йилнинг шу даврига келиб қарздорлик 11,4 миллион сўмга камайди.

Бироқ, барча ерда иш кўнгилдагидек кетаяпти, дейишга вақт эрта. Маошдан, нафақадан қарздор бўлган жойлар ҳали бор. Айниқса, «Андижонгаз» корхонасида аҳвол анча ташвишли. Бу ерда 1959 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг 263 нафари аёллардир. Шу кунгача хотин-қизлар 2 ёшгача болаларни тарбиялаётганлари учун тўланадиган нафақа пулларини олишолмаётир. Маошдан қарздорлик жорий йилнинг май ойи ҳолатига 76 миллион сўмдан зиёддир. Мутасаддилар билан суҳбатлашсангиз ҳамон «узрли» сабабларни рўкач қилишади. Бу каби жойларда касаба уюшма қўмитаси нега бонг урмаяпти, деган савол беихтиёр кўндаланг бўлади.

«Булоқбоши ипаги» жамоасида қарийб минг нафар ходим ишлайди. Улар билан фикрлашсангиз аёллар икки ёшгача болалар учун тегишли нафақа пулларини анча вақтдан буён ололмай сарсон бўлиб юришганини куйиниб гапиришади.

Ёрқишлоқ ип-йигирув ва тўқув ҳиссадорлик жамияти бир вақтлар меҳнатни рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш, ишловчиларга меҳрибонлик кўрсатиш сингари ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга оширишда намуна эди. Эндиликда манзара томомила бошқача. Жамоа қарзга ботган. Биргина маошнинг ўзидан қарздорлик 12 миллион сўмни ташкил этмоқда. Таажжубки, ходимлар май ойидан буён маош олишолмаяпти. Бундай жойларда касаба уюшмалари обрўсига путур етмоқда. Давр имиллашни кечирмайди. Ютуқларни мустаҳкамлаш, муаммоларни ҳал этиш учун омилкорлик, қатъиятлилик, ташаббускорлик зарур. Белгиланган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмас экан, иш олдинга силжимайди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Куддус аҳли уч кун аввалги портлашнинг мотамидан чиқмай туриб, бошига янги фожеа тушди. Бу сафар шаҳарнинг шимолий қисмидаги Гива ва Царфатит кўчалари кесишган чорраҳада бир фаластинлик ўзини портлатиб юборди. Бомба автобус бекатида портлагани учун жабрланган ҳам кўп бўлди. Етти киши ҳаётдан кўз юмди, кирқдан ортиқ одам жароҳатланди.

ИСРОИЛ: ЯНА БИР ПОРТЛАШ

Гувоҳларнинг айтишича, бомба-одам нарироқда қизил «Ауди» машинасидан тушиб, бекатга келган ва пайтини пойлаб, ўзини портлатган. У келган машина эса Қуддус шарқидаги фаластинликлар назорат қиладиган туман томон кетган.

Ушбу қўпорувчилик учун жавобгарликни «Ал-Аксо шаҳидлари бригадаси» ўз зиммасига олди.

Маълумки, шаҳарнинг бомба портлаган шимолий қисми 1967 йилги урушда Исроил томонидан босиб олинган. «Ал-Аксо шаҳидлари бригадаси» Ливандан туриб, босқинчилар бизнинг еримиздан кетмас экан, операцияларимиз давом этаверади, деган мазмунда баёнот тарқатди.

Исроил раҳбарияти 20 одам, жумладан, бир неча ёш боланинг умрига зомин бўлган уч кун аввалги портлаш учун аллақачон жавоб ҳаракатларини бошлаб юборган эди. Жумладан, Рамаллоҳ шаҳри ва қоқинлар яшайдиган бир неча лагерга армия қисмлари киритилди. Майда отишмалар юз бериб турибди. Хабарларга қараганда, кечаги тўқнашувда икки исроиллик ҳарбий ҳалок бўлган. Фаластинликларнинг талофоти ҳақида маълумот йўқ.

Кузатувчиларнинг фикрича, Исроил «террор эвазига ер» тамойили билан изоҳлаш мумкин бўлган тактикани қўллашга ўтмоқда. Ўтган йиллар давомида унинг сиёсати «ер эвазига тинчлик» тамойилига асосланар, яъни Фаластиндаги жангари гуруҳлар қўпорувчилик ҳаракатларини тўхтатиши ва қўшни араб давлатлари бегараз муносабат қуриши ҳисобига, Исроил 1967 йили босиб олинган ерларни секин-аста қайтариши керак эди. Энди Тел-Авивда бошқача гаплар юрибди: тинчлик ўрнатилмас экан, Фаластин Осло келишуви бўйича ўзига қайтарилган ҳудудларидан маҳрум бўлади. Исроил ўз назорати остидаги ҳудудларни бирин-кетин муқим эгаллашга киришган.

Бундан ташвишга тушган Ёсир Арафот мухторият аҳолисига мурожаат қилиб, хунрезликдан тийилишга даъват қилди. У бундай хатти-ҳаракатларни «Исроил истилосига қарши норозиликнинг ғайриқонуний шакли» сифатида изоҳлар экан, оддий одамларни қириш йўли билан асло мақсадга эришиб бўлмаслигини таъкидлади.

Шу кунларда АҚШ президенти Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш борасидаги янги режаларини эълон қилиши керак эди. Лекин бўлиб ўтган воқеалар вазиятни ўзгартиргани боис, у режалари билан ўртоқлашишни ортга сурди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Саволларингизга мутахассис Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

ЁШГА ДОИР (ҚАРИЛИК) ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ АСОСЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида: «Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар», деб кўрсатиб ўтилган.

1999 йил — Аёллар йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлари тўғрисида»ги Қонунига биноан бевосита меҳнат фаолияти билан, ҳарбий хизмат, ҳарбийлаштирилган соқчилик қисмлари, ижтимоий суғурта жамғармасига бадаллар тўлаб борилгани ҳолда якка меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

ЁШГА ДОИР (ҚАРИЛИК) ПЕНСИЯСИ ЭРТАРОҚ ҲАМ ТАЙИНЛАНИШИ МУМКИНМИ?

Ҳа, мумкин. Юқорида баён этилган пенсия тайинлаш умумий асосларида тайинланади ва муайян қўшимча асослар бўлган бир қатор ҳолларда имтиёзли шартларда, яъни 55 ёш (аёллар) ёки 60 ёш (эркаклар)дан аввалроқ ҳам тайинланиши мумкин.

ҚАНДАЙ АСОСЛАРГА КЎРА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ЁШГА ДОИР (ҚАРИЛИК) ПЕНСИЯСИ ТАЙИНЛАНИШИ МУМКИН?

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига кўра:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, чунончи:

Ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати.

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига, шунингдек, уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар, паканалар ва экологик фалокатли минтақада ишлаган фуқаролар эгадир.

ФУКАРОЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ЁШГА ДОИР (ҚАРИЛИК) ПЕНСИЯСИ ТАЙИНЛАШГА АСОС БЎЛАДИГАН РЎЙХАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майда 250-сонли «Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан ана шундай ишларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи сонли рўйхатлари тасдиқланган.

Бунда биринчи сонли рўйхатда санаб ўтилган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар мавжуд бўлган жойларда меҳнат қилган ва белгилаб қўйилган энг кам иш стажига эга бўлган шахсларга уларнинг ишидан қатъи назар ёшга доир (қарилик) пенсияси тайинланиши кўзда тутилган.

Иккинчи рўйхатда назарда тутилган иш ва касбларда белгилаб қўйилганидан кам бўлмаган муддат давомида ишлаган, муайян махсус меҳнат стажига эга бўлган шахслар белгиланганидан ўн йил аввал (яъни, эркаклар — 50 ёшдан, аёллар — 45 ёшдан) ёшга доир пенсияга чиқишлари мумкин бўлади.

Учинчи сонли рўйхатда назарда тутилган ишларда ишлаган шахслар белгиланганидан беш йил аввал, яъни эркаклар — 55 ёшдан, аёллар — 50 ёшдан ёшга доир пенсияга чиқишлари мумкин. Бундай имтиёзга эга шахслар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида ҳам кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддага кўра:

Охирги иш жойидан қатъий назар, қуйидагилар ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш уни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, I қисм);

эркаклар — иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда — эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

в) қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари (3-сонли рўйхат, II қисм);

эркаклар — умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

тракторчи-машинист, тракторлар ва экскаваторлар негизида йиғилган қурилиш, йўлсозлик ва юк ортиш-туширш машиналарининг машинисти бўлиб ишлаган аёллар — умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда (3-сонли рўйхат, III қисм);

д) авиация муҳандис-техниклари таркибининг ходимлари (3-сонли рўйхат, IV қисм);

эркаклар — авиациядаги умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — авиациядаги умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келган тақдирда;

е) тўқимачилик ишлаб чиқариши дастгоҳлари ва машиналарида ишлаган аёллар — кўрсатиб ўтилган ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, V қисм);

ж) шаҳар йўловчилар ташиш транспорти ҳайдовчилари (3-сонли рўйхат, VI қисм);

эркаклар — камида 25 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

аёллар — камида 20 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

з) беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар — болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда (37-модданинг «д» ва «ж» бандлари) иш стажи камида 20 йил бўлса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда.

Башарти, аёл ўғай ўғил ва қизни 8 ёшга тўлгунча камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинадилар;

и) экологик фалокат минтақасида ишлаган фуқаролар:

эркаклар — умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;

аёллар — умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;

к) ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари — махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм);

л) шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар — махсус иш стажи қишлоқ жойида камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм);

м) ижтимоий таъминот тизимининг қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ходимлари (3-сонли рўйхат, IX қисм);

эркаклар — махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — махсус иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда;

Пайариқ туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалигида 14,5 минг нафар киши яшаб, мавжуд 11 минг гектар лалми ерда деҳқончилик қилиб ҳосил етиштиради. Олинадиган даромаднинг бир қисми аҳолининг ижтимоий ҳимоясига ҳам йўналтирилган. Хусусан, турли байрам, тадбирларда 43 нафар уруш ва меҳнат фахрийси, 14 нафар байналмилалчи жангчилар алоҳида эъзозда бўладилар. Кўп фарзандли ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмак бериб келинмоқда. Хўжалик касаба уюшма қўмитасининг ташаббускорлиги боис бундай хайрли ишлар анъана тусига кирган.

Суратда: хўжалик раҳбари муовини Хўрозбой Очилов (ўртада) навбатдаги тадбир хусусида аъзолар билан фикрлашмоқда.

МЕНГА НАФАҚА ҚАЕРДАН ТЎЛАНАДИ?

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

***САВОЛ:** мен «Саноат қурувчи» корхонасида меҳнат вазифамни бажараётган пайтда жароҳат олганим учун товон пули оламан. Ҳозирги кунда ушбу корхона банкротлик ҳолатига келиб қолган. Агар корхона тугатилса, ушбу олаётган нафақа менга қаердан тўланади?*

П.ЕГОРОВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари»нинг 28-қисмида корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилган (қўшилган, бирлашган, бўлинган, ажралиб чиққан, қайтадан тузилган) тақдирда ариза унинг ҳуқуқий ворисига берилади. Агар тугатилган корхонанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисига ўтмаган тақдирда корхона ўзининг тўловга қурби етмаслиги тўғрисида маълум қилиши ҳамда зарар тўловларига тегишли бўлган маблағни бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси фондига ўтказишга мажбурдирлар. Ўтказилган ушбу маблағ эса жабрланганларга зарар тўловини тўлаш учун пенсия жамғармасига ўтказилади. Шундан сўнг маблағ миқдорига қараб қонунчиликда белгиланган тартибда жабрланган шахс яшаб турган ижтимоий таъминот бўлимлари орқали тўланади.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



Нуқтаи назар

ИККИ ЁҚЛАМА МАНФААТ

Солиқ имтиёзларининг бюджет даромадлари шаклланишига таъсири

Хўжалик юритиш тизими қандай бўлишидан қатъи назар давлат бюджетини тўлдиришнинг асосий воситаларидан бири, бу солиқлар ва солиқсиз тўловлардир. Аммо жорий этилган солиқлар соф фиксал шаклда ўрнатилиши мумкин эмас. Чунки фақат бюджет манфаати нуқтаи назаридан ўрнатилган солиқлар узоқ вақт амал қилмайди. Шунинг учун имкон қадар солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тақозо этилади.

Қайд этиш лозимки, солиқ имтиёзлари бир томондан солиқ тўловчининг манфаатларига мос келса, бошқа томондан муайян миқдордаги молиявий ресурсларнинг бюджетга келиб тушмаслигига сабаб бўлади. Бинобарин, солиқ имтиёзларини тўғри ва адолатли белгилаш ҳамда унинг моҳияти (имтиёзга эга бўлган) солиқ тўловчи томонидан тўла идрок қилинган ҳолардагина мавжуд имтиёзлар орқали йўқотилган тушумларнинг ўрни бир неча баробарга қопланиши мумкин. Буни хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Масалан, АҚШда корхоналарнинг илмий-тадқиқот, конструкторлик ҳамда инвестицион фаолияти билан боғлиқ ва солиқ имтиёзлари туфайли йўқотилган маблағлар охироқибатда айнан шу соҳаларда яратилган янгиликларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши орқали бир неча марта солиқ тушумларининг ортишига олиб келади.

Бугунги кунда республикамиз солиқ тизимида ҳам истиқболни ўйлаб дадил қадамлар ташланаётганини кўрамиз. Аммо, айни вақтда солиқ тўловчиларга белгиланган имтиёзларнинг барчаси ҳам ўз самарасини беради, деб айта олмаймиз. Мисол тариқасида кичик бизнес учун берилган солиқ имтиёзларини таҳлил қилайлик. Тартибга мувофиқ, кичик корхона ва микрофирмалар ягона солиқ тўлашга ўтган ҳолларда қўшилган қиймат солиғини тўламайдилар. Аммо, кичик корхоналар ўзлари сотиб олган моддий ресурсларга тегишли қўшилган қиймат солиғини маҳсулот таннархига қўшишлари лозим. Бир қарашда кичик корхоналар учун имтиёз берилгандек, аммо чуқурроқ ёндошадиган бўлсак, бундай имтиёз нафақат кичик корхоналарнинг иқтисодий фаолиятига, шунингдек, солиқ тушумларига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Зеро, олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналиши, бу - солиқ тизимининг фискаллик хусусиятини камайтирган ҳолда, унинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга кўникишлари ва рақобат курашига мослашишини таъминлашга қаратилгандир. Лекин, афсуски, ҳисоб-китобларга қараганда, республикамизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг 65-70 фоизигина солиқ имтиёзларининг у ёки бу туридан фойдаланмоқда. Бинобарин, йирик иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, юқоридаги сабаблар туфайли бугунги кунда мавжуд солиқ имтиёзларидан кўзда тутилган мақсадга эришилгани йўқ.

Боз устига аксарият солиқ имтиёзига эга бўлган солиқ тўловчилар имтиёзларнинг асл ижтимоий-иқтисодий моҳиятини англаб етмаётирлар. Демакки, солиқ маданиятини ошириш тўғрисида ҳам ўйлаш керак бўлади.

Анвар ИСАЕВ,
Тошкент Молия институти магистри.

ЯНГИ ТУҒРУҚ КОМПЛЕКСИ

Жарқўрғон туманининг «Какайди» қўрғони ҳамда Халқобод, Шарқ Юлдузи ширкат хўжаликлари аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Вилоят капитал қурилиш бошқармаси буюртмаси билан 15 ўринли замонавий туғруқхона комплекси қисқа фурсатда қуриб фойдаланишга топширилди. Туғруқ комплексини аҳолига қумқўрғонлик бинокорлар туҳфа этишди.

Туғруқ комплекси туманнинг учдан бир қисми аҳолисига хизмат қилиб, 100 фоиз тиббий асбобускуналар, керакли медикаментлар билан таъминланди. Ҳомиладор аёллар учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган комплексда кўриш хонаси, дам олиш, туғруқ заллари, врач хоналари мавжуд. Илгари бу ерлик аҳоли зарурат туғилганда 20 чақирим йўл босиб, туман марказига келишарди. Эндиликда, аҳолининг мушкули осон бўлди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда Навоий вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари ходимларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар саъй-ҳаракати туфайли жойларда ана шу мавзуда учрашувлар, тадбирлар ўтказилаётгани муаммоларни ҳам этишда муҳим омил бўлмоқда.

Суратда: меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мудири Ю.Шодмонов мутахассислар билан.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

Кўзи ожиз болалар республика махсус мактаб-интернатининг ўқув-моддий негизи мустаҳкамланиб бормоқда. Бу билим ўчоғини янги ўқув йилига тайёрлаш борасида ҳам кўп иш қилинмоқда.

ҲОМИЙЛАР МАДАДИ

Бунда оталиқ ва ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдамлари катта бўлмоқда. Тошкентдаги «Файзбарака» корхонаси таъмирлаш ишларини олиб бориш учун керакли миқдорда бўёқ етказиб берди. Республика «Наврўз» жамғармаси ҳам ҳиммат кўрсатиб, кундузги нур таратувчи лампалардан бир нечтасини тортиқ қилди. Шаҳар Қизил Ярим Ой жамияти ташкилоти эса 5 миллин сўм пул ўтказди.

Ҳомий ташкилотлар саъй-ҳаракати билан лотин имлосида чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалари келтирилди. Болакайлар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида кўрилаётган тиббий тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда. АҚШдан келган мутахассислар интернатда тарбияланаётган 20 нафардан ортиқ ўғил-қиз кўзига қайта нур бағишладилар. Жарроҳлик ишлари Тошкент Давлат тиббиёт болалар касалликлари институтида амалга оширилди.

А.АЛИЕВ.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ИНСОН ТАҚДИРИГА БЕФАРҚЛИК

Пахтакор туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги марказий таъмирлаш устахонасида 2000 йил 14 февралда механик Фахриддин Мустафоқулов техникани таъмирлаш жараёнида бахтсиз ходиса туфайли II гурух ногирони бўлиб қолди.

Тиббий-меҳнат экспертиза хулосасига кўра у 70 фоизлик иш қобилиятини йўқотган эди. Лекин, хўжалик раҳбарларининг лоқайдлиги, инсон тақдирига бефарқлиги туфайли бир ногирон киши эътибордан четда қолди. Унинг хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси А.Отабековга қилган мурожаати ҳам беҳуда кетди.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 29-моддасига кўра ходим бахтсиз ҳодисага учраб, ногирон бўлиб қолганда товон пулидан ташқари ходимнинг бахтсиз ҳодисагача бўлган бир йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир марталик нафақа тўланиши шарт. Ана шу Қонунга асосан Ф.Мустафоқуловга берилиши зарур бўлган 48690 сўмлик бир марталик нафақа ҳам шу пайтгача тўланмай келган. Бундан ташқари бахтсиз ҳодиса юз берган кундан бошлаб жорий йилнинг 1 июнига қадар хўжалик раҳбарияти 121.750 сўм товон пули тўлаши зарур бўлгани ҳолда буни ҳеч бир асоссиз равишда эътиборсиз қолдирган.

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бу ишга аралашгач, ҳақиқат қарор топди. Аниқланишича, жабрланувчи билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақиқатан ҳам иш билан боғлиқ экан. Шу боис, ходим товон пули олишга ҳақли деб топилди.

Ана шундан кейин хўжалик раҳбари Кенжа Муродов II-гуруҳ ногирони, Афғонистон уруши қатнашчиси Ф.Мустафоқуловга жами 170.710 сўм миқдорда йиғилиб қолган товон пулларини тўлаб беришга мажбур бўлди.

— Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ва унинг меҳнат муҳофазаси нозирларидан миннатдорман, — дейди аризачи. — Мушкулим улар туфайли осонлашди.

Бундай ҳол туманда ягона эмас экан. Амир Темур номли фермерлар уюшмасида тракторчи бўлиб ишлаб келган Тоштемир Алламуродов 1997 йили иш жараёнида бахтсиз ходиса туфайли 50 фоизлик иш қобилиятини йўқотади. Бу ҳақда тегишли ҳужжатлар бўлса-да, ногироннинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи тегишли мутасаддилар томонидан поймол этиб келинган. Хўжалик томонидан 1998 йил апрелидан жорий йилнинг 1 майига қадар тўланмаган товон пули 490.043 сўмни ташкил этади. Шунингдек, бир марталик нафақа миқдори 117.530 сўм бўлар эди.

Кенгаш мутахассислари аралашувидан сўнг иш берувчи хўжалик раҳбари томонидан ходим Т.Алламуродовга жами 607.573 сўм ундириб бериладиган бўлди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сиз кутган учрашув

Жамият кўрки, оила чароғбони бўлган аёлларсиз тириклик, яшаш, яшариш йўқ. Шу маънода улар соғлиғи нафақат ўз оиласининг, балки юртнинг бойлигидир. Мухбиримиз аёллар саломатлиги, уларда учрайдиган касалликларни даволаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тиббиёт фанлари доктори, профессор Мухтарама СОДИКОВА билан сухбатлашди.

АЁЛ СОҒЛОМ ВА ХУШРЎЙ БЎЛИШИ КЕРАК

— Соғлиқ бўлса, тинчлик бўлса, орзу-ҳаваслар инсон иродаси, ақлу заковати билан ўз ижобатини топаверади, дейишади.

— Ҳаёт — улуғ неъмат, унинг қадрига етиб, ғанимат билмоқ ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Донишманд бобокалонларимиз башорат қилганларидек, беш нарса келмасдан бурун беш нарсани ғанимат билмоқ даркор: ўлимдан олдин ҳаётни, беморликдан олдин саломатликни, қариликдан олдин ёшликни, машғулликдан олдин бўш вақтни, камбағалликдан олдин бойликни.

Хасталикнинг яхшиёмони йўқ. Бари инсонни изтиробга солади, азоб беради. Айниқса, аёлларимиз 45-60 ёшлари орасида кўпроқ хасталик жабрини тортадилар. Чунки, бу даврда уларда климакс рўй беради. Бу ўз навбатида босиб ўтилган умр йўлининг мажмуаси ҳисобланади. Аёлларнинг қандай турмуш кечиришгани оқибат-натижа бўлиб юзага чиқади. Баркамол аёлларда бу ҳолат ҳеч қандай ўзгаришсиз, нормал кечади. Касал организмда эса бир қатор объектив ва субъектив ўзгаришлар юз берадики, бу бир қанча нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Аёлнинг ташқи қиёфаси ўзгаради: семиришга мойиллик кучаяди ёки озиб кетади. Бу умумий моддалар алмашувининг бузилганлигини билдиради. Асоратлар уч гуруҳда намоён бўлади:

1. Асаб тизими томонидан содир бўладиган аломатлар: серзардалик, асабийлашиш, уйқусизлик, депрессия, қўрқув ҳисси, шубҳага берилувчанлик, иштаҳанинг йўқолиши.

2. Юрак-томирларда рўй берадиган ўзгаришлар: қон босимининг ошиши, юракнинг тез уриши, бош айланиши, бош оғриғи, танада шиш пайдо бўлиши, баданнинг қизиб кетиши, кўп терлаш.

3. Эндокрин системасидаги аломатлар: буйрак усти безлари ва қалқонсимон безлар функциясининг бузилиши — булар тез чарчаб қолиш, очлик ҳисси, тана вазнининг ўзгариши, томир касалликлари, қанд касаллигига мойилликни келтириб чиқаради.

Хуллас, аёл организмида мураккаб биологик қайта қурилиш рўй беради, эстроген гормонлари ўзгаради. Суяк мўртлашиб, натижада баъзи аёлларнинг қомати ўзгариб, букилиб қолади, қўл ва оёқ суякларида синишга мойиллик кучаяди.

— Касалликни даволашдан унинг олдини олиш афзалрокдир. Шу маънода бу ўзгаришларнинг олдини олиш мумкинми?

— Қиз бола гулдан нозик бўлади. Аммо кўпчилик оналаримизни уларнинг соғлиғидан кўра кўпроқ сеп йиғиш қизиқтиради. Бу етмагандек қизларини барвақт турмушга узатадилар. Аммо ўйламайдиларки, 18 ёшгача бўлган қизлар танасида ҳомиладорлик асорат қолдириши мумкин. Чунки, бу ёшда қизлар организми фарзанд кўришга тайёр бўлмайди. Натижада бола ташлаш, ўлик туғиш каби нохуш ҳоллар юз беради ва бунинг иньикоси сифатида аёл климакс даврида жабр кўради. Шунингдек, тез-тез туғиш, ҳомилани сунъий тушириш ҳам аёлларнинг климакс даврида оғир асоратларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Инсон танаси, шу жумладан аёл вужуди ҳам руҳан, ҳам жисмоний томондан бир-бирига занжирсимон боғланган механизмга ўхшайди. Ундаги бирор аъзо фаолиятини тўлақонли бажармаса, ўз-ўзидан маълумки, гормонлар ҳаракати бузилади. Она қорнида ҳомила пайдо бўлган дастлабки кундан бошлаб барча аъзолар ҳаракати, функцияси унга хизмат қилади. Ҳомила сунъий равишда олиб ташланганда она танасида мавҳум ҳолатни юзага келтиради. Бу эса бугун бўлмаса, эртага ўз асоратини намоён этади.

Она сутининг бебаҳолиги бугун барчага кундек равшан. Аммо бу жаннатий неъматнинг яна бир хислати — оналар соғлиғига таъсиридир. Тиббий текширишлардан шу нарса маълум бўлдики, болаларини кўкрак сути билан боққан оналар камроқ касалликка чалинар эканлар. Шунинг учун ҳам оналик бахти насиб этган ҳар бир аёл фарзандини 1,5-2 ёшгача эмизиши лозим. Чунки, сут безлари марказий нерв фаолияти билан узвий боғлиқ. Бу эса организмда табиий ҳолатни таъминлаш учун она белгиланган муддатгача дилбандини кўкрак сути билан боқишини тақозо этади. Агар бу қоидага риоя қилмаса, аёл турли касалликларга чалиниши ёки ўтиш даврида оғир ҳолатларни бошдан кечириши мумкин.

— Ўтиш даври асоратларсиз кечишини таъминлайдиган, аёлнинг меҳнат қобилиятини сақлайдиган дори-дармонлар ва бошқа воситалар борми?

— Бунинг учун аввало аёл ўз саломатлигига алоҳида аҳамият бериши, кун тартибига доимо риоя қилиши, вақтида ишлаб, вақтида дам олиши, тўйиб ухлаши, тўғри овқатланиши, айниқса, сабзавот-мевалардан кўпроқ истеъмол қилгани маъқул. Қовурилган гўшт, кабоб, дудланган озиқ-овқатлар, айниқса, асаб тизими таъсирчанлигини оширувчи сирка, гармдори, кофени оз миқдорда истеъмол қилиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, ўтиш давридаги нохуш ҳолатларнинг олдини оладиган замонавий дори-дармонлар, тиббий муолажалар борки, булар аёл саломатлигини тиклаб, уларга яхши кайфият бахш этади ва умрига умр қўшади. Аммо бундай дори-дармонлардан ўз билганича фойдаланмасдан, гинеколог врачлар билан маслаҳатлашиб, иш тутиш зарур.

Шундагина аёлларимиз янада хушрўй, соғлом, рўзғорлари обод бўлади.

Сухбатдош: Амина ҚОДИРОВА.

Ҳар тўғрида

ОҒИРЛИГИ 1,6 ГРАММ

Швейцариялик соатсоз Фреди Зюсе жаҳонда энг митти соат яратишга муваффақ бўлди. 150 қисмдан иборат бу соатнинг оғирлиги атиги 1,6 грамм, қобиғининг баландлиги 9,9 миллиметр, капгири бир сонияда уч марта тебранади.

УЛКАН КЎЧА СОАТИ

Реклама китобларида таъкидланишича, токиоликларнинг қўл соати тақиб юришга эҳтиёж қолмади. Гап шундаки, Япония пойтахти Токиода яна бир осмонўпар бино қад кўтарди.

Бор-йўғи 30 қаватли бўлган бу бинонинг олд томони айланасини 28 метрли соат безаб турибди.

Японияликларнинг фикрича, у жаҳонда энг катта кўча соатидир.

СТРЕПТОМИЦИН ТОПИЛГАНДАН СЎНГ

Америка олими З.Ваксман томонидан 1944 йилда стрептомициннинг топилиши сил касаллигини даволашда янги давр очди. Антибиотиклар топилгунча сил миннингити бутунлай бедаво касаллик хисобланарди. Эндиликда бу касалликка стрептомицин хотима беради. 1948 йилда сил касалликлари жаҳон конгрессида машҳур олим Ваксманга «Силни енгган инсонга» деган сўзлар ёзилган гулчамбар кийдирилди.

Касби туманида истиқомат қилувчи 98 ёшли Эшонқул бобо Жарипов кўп воқеаларга гувоҳ бўлган отахонлардан. Тарихий обидаларни асраб-авайлаш ҳақида ёшларга панд-насиҳатлар қилади. Султон Мирҳайдар тарихий мажмуаси ёдгорликларини тиклашда ўз фикрларини билдирган отахон бу ерга келувчи зиёратчиларга хотиралардан сўзлайди.

Суратда: Эшонқул бобо тарихий дарвоза ёнида.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

КРОССВОРД

Диагонал бўйича: 1.Рангли металл. 2.Манзарали ўсимликдан тайёрланадиган ичимлик. 3.Ўзбек халқ мақоли. 4.Ўзбек халқ қўшиғидан: «Эй ... во-ей, раҳм айла нигорим». 5. Аёлларга ҳурмат юзасидан айтиладиган сўз. 6.Метро «тангаси». 7.Ҳаво намлигини узлуксиз қайд қилувчи асбоб. 8.Хона жиҳози. 9.Ўзбек халқ рақс куйи. 10.Миллий мусиқа асбоби. 11.Қадимий ёзув анжоми. 12.Нидерландиядаги шаҳар. 13.Меъморлик ва ҳунармандликда ишлатиладиган мураккаб геометрик нақш. 14.Бошқа қушлар инига тухум қўйиб, бола очмайдиган, сайроқи парранда. 15.Бадиий тўқимачилик буюми. 16. Бош кийимга безак сифатида ишлатиладиган парранда пати. 17.Чеккаларга тушириб қўйиладиган ярим ҳалқа шаклидаги соч. 18.Халқ достонларини куйловчи ижодкор. 19.«Шоввоз солдат Швейк жаҳон урушида» романи муаллифи, чех адиби. 20.Таом пиширувчи, ҳунарманд. 21.Энергияни бир турдан иккинчи турга айлантирувчи қурилма. 22.Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги шаҳар. 23.Турмушда кўп ишлатиладиган металл. 24.Юза бирлигига тўғри келадиган куч. 25.Шеърий асар сатри. 26.Сирти дук шаклли игналар билан қопланган кемирувчи жонивор. 27. Автомобил «ётоғи». 28.Самолёт қисми. 29. Кўпйиллик серсоя дарахт. 30.Франция футболи юлдузи. 31.«Илиада», «Одиссея» достонларини ёзиб қолдирган афсонавий шоир. 32.Асбест ва цементдан ишлаб чиқариладиган бинокорлик ашёси.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар:

1.Ўзбекистондаги вилоят — 16,7,3,1,17,12.

2. 14,1,13,1,9. Қадрини билмаган ўз қадрини билмас.

3. Хориждан келтирилган маҳсулот учун олинадиган ҳақ — 5,7,10.

4. Қадимий давлат пойтахтидаги ҳукмдорлар қароргоҳи — 18,3,6,1.

5. Ҳашаматли сарой — 11,1,4,3.

6. Чинни буюмлар ишлаб чиқариш ашёси, оқ лой — 15,2,8.

Энди шаклнинг атрофи ва марказидаги рақамларни очқич жавоб сўзларидан фойдаланиб ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан учта шарқ халқ ҳикматларини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ.



Юсуфжон қизиқ ҳангомалари

МУКОФОТ

Юсуф қизиқ билан Охун қизиқ кўл бўйлаб ёзда айланиб юришган экан, Охун қизиқ бир ерга келиб, деворга қараб қотиб қолибди.

— Ҳа, юр, Охун, — дебди Юсуф қизиқ.

— Э-э, бу ёққа келинг, — дебди Охун қизиқ. — Мана пул топадиган жой! Мана сизга ўқиб берай: «Чўкиб кетаётганни олиб чиққанга 50 сўм мукофот. Кўрдингизми, ана! Ҳа-а, мен ўзимни сувга ташлайман, сиз «дод»! дейсиз: кўзларимни ола-кула қилиб тураман — 50 сўм мукофот! Ана кўрдингизми, бир кунда ўн марта чўкаман, — дебди.

Юсуф қизиқ «ташла ўзингни»! деган экан, Охун қизиқ ҳам чуқур бир жойга ўзини ташлаб юборибди. Шўнғиб чиқиб, кўзларини ола-кула қилиб турса ҳам, қулоқларига сув кириб кетаётган бўлса ҳам Юсуф қизиқ тепасида индамай турганмиш.

— Ҳа уста, «дод!» демайсизми, чўкиб кетаяпман-ку, — деб бақирибди Охун қизиқ.

— Чўкавер, чўкавер! — дебди Юсуф қизиқ.

— Ахир у ёғига ўтсам ўламан-ку! — деб бақирибди Охун қизиқ.

— Киравер, киравер, — дебди Юсуф қизиқ, — тагини ўқимаган экансан: ўлигини олиб чиққанга 100 сўм берар экан.

Тўпловчи: Ҳамид УСМОНОВ.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Сирдарё — Туркистондаги энг узун дарё. Мазкур дарё ҳақида турли фикрлар мавжуд. Қадимги юнон манбаларида «яксарт» деб, ўрта асрларда «сайхун» деб юритилган.

Тарихда учрайдиган «Сармат», «сарт», «сир» сўзларининг ўзаги битта, булар Сирдарё бўйида истиқомат қилган «сир» исмли қабилага тегишлидир.

«Сир» дарёнинг қадимий «сак» тилидаги номи бўлган. Демак, Сирдарё номи «сир» қабиласи номидан олинган, қадимий маҳаллий ном.

Тяншань — Туркистоннинг шарқидаги тоғ тизими. Тоғнинг шарқий қисми Чин (Хитой) ҳудудига ўтади.

Аслида бундай маҳаллий ном йўқ. Тяншан фақат харитада, географик китобда учрайди.

Туркистон ҳудудида бу тоғ «тангритоғ» деб аталган. Тангри сўзи «Худо» маъносидан ташқари «улуғ», «муқаддас» деган маъноларга ҳам эга бўлган. Бу тоғ ўзининг баландлиги, улуғлиги билан шундай ном олган.

Чиний (хитойли)лар қадимий туркий ном «тангритоғ»ни ўзларига монанд таржима қилиб, «Тяншань» («Тянь - «осмон») «шань» - тоғ»), яъни «осмон баробар тоғ» деб атаганлар.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ФИНАЛ ОЛДИДАН ФИНАЛ

Бразилия ва Англия жамоаларини бир-бирига рўбарў қилди

2002 FIFA WORLD CUP KOREA JAPAN

Инсоф юзасидан айтсак, энг қийини Англияга, тўғрироғи, унинг бош мураббийи Свен-Горан Эрикссонга бўлди. Аввалбоши терма тушиб қолган гуруҳ барча гуруҳлар ичра энг кучлиси, яъни имконияти тенг жамоалар бўлгани учун ҳам ундан кейинги босқичга омон-эсон чиқиб олишнинг ўзи катта муваффақият деб саналишга лойиқ эди. Ахир Аргентина, Нигерия, Швеция термаларини бир ёқлик қилиб, ўзига йўл очишнинг ўзи бўладими?

Дарвоқе, Швеция термаси ҳақида. Ўзига хос жамоа. Бир қарашда Зидан, Батистута, Рональдо, Бекхем, Раул каби ярқираган юлдузларга эга бўлмаса-да, йиғинчоқлиги ва уюшқоқлиги билан ҳар қандай кучли жамоани тиз чўктиришга қодир. Унинг Нигерия ва Англия билан дуранг ўйнаб, Аргентина термасини мағлуб этгани-ю, гуруҳда биринчи поғонани эгаллагани ҳам кимнинг кимлигидан далолат беради. Швеция, айни вақтда Эрикссоннинг ватани. Бинобарин, Англия термаси бош мураббийи шведларга қарши стратегия ва тактикани ишлаб чиққанида ҳамда уни амалга ошириш жараёнида қандай зиддиятли туйғуларни бошдан кечиргани фақат унинг ўзигагина аён.

Ёки нимчорак баҳсларида «А» гуруҳи ғолиби Дания термасини енгиш осон бўлибди дейсизми? Кимсан, Франция жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, чемпионнинг узил-кесил Узоқ Шарқ билан муддатидан илгари хайрлашишига сабаб бўлган команда! Ўз йўлидаги шунча тўсиқдан ўтиб олган терма, буни қарангки, келиб-келиб тўрт карра жаҳон чемпиони Бразилия билан рўбарў келиб турибди! Тақдир ўйини, деганлари шу бўлса керак-да...

Хўш, гигантлар учрашувида қайси жамоанинг қўли баланд келади? Манфий ва мусбат томонларни таҳлил қилиш жараёнида мутахассислар кўплаб фикрларни айтган бўлсалар-да, деярли ҳеч ким юрак ютиб у ёки бу жамоани тилга олмагани бежиз эмас. Чин маънода тенг жамоалар ўзаро тўқнаш келганда доим шунақа бўлади.

Фақат бир нарсага эътибор қаратилди. У ҳам бўлса, ана шу учрашувга қайси жамоа қандай йўл билан келди, қандай ғовларни ошиб ўтди, руҳан ва жисмонан айни дамда қай аҳволда? Унчалик кучли бўлмаган гуруҳда баҳсни бошлаб, нимчоракда ҳам ўртаҳол жамоани енгиб шу кунга етиб келган Бразилия термасими ёхуд юқорида зикр этганимиз сабабларга кўра бир мунча толиққан Англия жамоаси ғолиб чиқадими?

Баҳс ана шундай саволлар билан бошланди ва худди кутилганидек кескин курашлар остида ўтди. Ҳеч ким ҳеч кимга паст тушгиси келмасада, бу футбол эди ва улардан қайси биридир майдондан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур эди.

Шу куни омад Жанубий америкаликларга кулиб боқди ва ушбу жамоа биринчи бўлиб чорак финалга йўл олди. Энди у эртага Осака шаҳрида бўлиб ўтадиган Сенегал-Туркия жуфтлиги ғолиби билан финалга йўлланма учун баҳсга киришади.

ИШҚИБОЗ ЁН ДАФТАРИГА

Бразилия - Англия - 2:1
Германия - АҚШ - 1:0
Судзуока
Ульсан.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди: 21:20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 519. 1 2 3 4 5 6